

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019. I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРАЕВ ЗИЯДУЛЛА НОРСОАТОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.17 – «Туризм ва меҳмонхона фаолияти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Тураев Зиядулла Норсоатович**

Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор  
йўналишлари ..... 3

**Тураев Зиядулла Норсоатович**

Приоритетные направления развития сферы туризма в  
Сурхандарьинской области..... 29

**Turaev Ziyadulla Norsoatovich**

Priority directions for the development of tourism in the Surkhandarya  
region ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019. I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРАЕВ ЗИЯДУЛЛА НОРСОАТОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.17 – «Туризм ва меҳмонхона фаолияти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2019.2.PhD/Iqt922 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хашимов Пазлиддин Зукурович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор в.б.

**Расмий оппонентлар:** **Норчаев Асатулло Норбўтаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Мирзаев Абдуллажон Топилович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (0371) 239-28-72; Факс: (0371) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (0371) 239-28-72; Факс: (0371) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**А.А. Эштаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда энг кудратли интеграцион соҳа сифатида туризм кўплаб мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатидан тезроқ ривожланиб, унинг хизматларнинг халқаро экспортидаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) маълумотларига кўра, «туризм иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тармоқлари орасида ёқилғи ва кимё саноатидан кейин учинчи ўринни эгаллаган ҳолда, 2019 йилда жаҳон савдосининг 7,0 фоизини ташкил этган»<sup>1</sup>. Юзага келган COVID-19 пандемияси оқибатида туризм соҳаси «2021 йилда 2020 йилга нисбатан 4 фоизга ўсганлиги, жаҳон туризмнинг бевосита ялпи маҳсулоти 19 фоизга ошиб 1,9 триллион долларга етганлигига қарамасдан, COVID-19 пандемиясидан олдинги даврга нисбатан 72 фоизга пастлигича қолаётганлиги»<sup>2</sup> ички туризмни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш орқали жаҳондаги йирик минтақалар ялпи ҳудудий маҳсулотида туризм хизматларининг улушини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда туризм соҳасини, айниқса туризм соҳасини ривожлантириш салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, унинг ҳудуд иқтисодиётига қўшадиган хиссасини оширишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг барқарор ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентларда барқарор ривожланишни кўзда тутувчи 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган устувор вазифалардан ҳисобланган камбағалликни қисқартириш, муносиб меҳнат шароитлари ва иқтисодий ўсишни, соғлиқ ва фаровонликни таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туризм хизматларини диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш»<sup>3</sup> вазифаси кўйилган. Ҳозирги вақтда Сурхондарё вилоятининг табиий-географик жойлашуви, жозибадор табиий-рекреация ва тарихий-маданий ресурсларидан туризм соҳасини жадал ривожлантиришда самарали фойдаланиш ҳамда мазкур соҳани ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар ва сценарийларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Туризмнинг етакчи тармоқ сифатидаги ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улушини ошириш имкониятларини, уни барқарор ривожлантиришни таъминлаш механизмларини ва тегишли дастурларни

<sup>1</sup> <https://www.e-unwto.org/doi/book/10.18111/9789284422456> - Tuesday, March 30, 2021 7:37:05 AM - IP Address:93.75.219.148

<sup>2</sup> <https://www.unwto.org/un-tourism-news-fitur-edition-2022>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

ишлаб чиқишга асос бўладиган мукамал илмий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон «Чорвок» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризмнинг назарий ва методологик масалалари хорижлик етакчи олимлар P.Kotler, J.Bowen, J.Makens, Chris Ryan, D.Lundberg, M.Krishnamurthy, Ch.Y.Gee, J.C.Makens, D.Chey тадқиқотларида ўрганилган<sup>1</sup>. D.Harrison, D.Telfer, R.Sharpley тадқиқотларида эса туризмнинг ривожланиш босқичлари, айрим мамлакатларда ривожланиш хусусиятлари очиқ берилган<sup>2</sup>. M.Mowforth ва I.Munt тадқиқотларида глобаллашув жараёнларининг туризмнинг ривожланишига таъсири масалалари тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

МДХ мамлакатлари олимлари Азар В.И., Балабанов А.И., Биржаков М.Б., Дурович А.П., Ахинов Г.А., Жильцов Е.Н., Зорин И.В., Каверина Т.П.,

<sup>1</sup> Kotler P., Bowen J. Makens J. Marketing For Hospitality & Tourism Pearson International Edition 2014, USA., Chris Ryan. Recreational Tourism: Demand and Impacts/Channel View Publications, 2003. -358 p., Lundberg D., Krishnamurthy M. - Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. -210 p., Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey, D. The Travel Industry. 3d. Wdit. -New York John Wiley Sons Inc. 2003. -250 p.

<sup>2</sup> Harrison, D. 2015. *Development theory and tourism in developing countries: what has theory ever done for us?* IJAPS, Vol. 11, Supplement 1, 53–82.; Telfer, D. 2015. The Evolution of Tourism and Development Theory. In *Tourism and Development: Concepts and Issues*, 2nd ed., ed. Sharpley, R. and Telfer, D., 48-57. Clevedon: Channel View.

<sup>3</sup> Mowforth, M. and Munt, I. 2009. *Tourism and Sustainability: Development, Globalisation and New Tourism in the Third World*. London: Routledge. pp. 376.

Квартальнов В.А. тадқиқотларида туризмнинг назарий-методологик асослари, туризм иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш масалалари ёритилган<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Н.Х.Жумаев, Қ.Х.Абдурахманов, Н.Т.Тўхлиев, М.Қ.Пардаев, Т.Ташмуратов, А.Н.Нарчаев, М.М.Мухаммедов, Д.Х.Асланова, Б.Н.Наврўз-зода, О.М.Пардаев, А.М.Абдувоҳидов, М.Т.Алимова, А.А.Эштаев, Б.Ҳ.Тўраев, О.Ҳ.Хамидов, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алиева, Н.Э.Ибадуллаев, Н.С.Ибрагимов, Б.Ю.Мирбабаев, С.С.Рўзиев ва бошқаларнинг илмий ишларида туризм менежменти, туризм соҳаси самарадорлиги ва бошқарув тизими, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари, меҳмондўстлик индустрияси, ҳудудларнинг салоҳияти ва уларни ривожлантириш масалаларига кенг эътибор қаратилган<sup>2</sup>.

Шу билан бирга Сурхондарё вилоятининг бой туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалаларининг етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги мазкур тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан**

---

1 Азар В.И. Экономика и организация туризма : монография / ред. С.Ю. Житенёв. - Москва: Международная общественная туристская академия, 2011. - 180 с.; Балабанов И. Т. Экономика туризма: Учебное пособие для студентов вузов, эконом. спец. – М.: Финансы и статистика, 2010. – 174 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. - М–СПб.: «Издательский Дом ГЕРДА», НП «Издательство «Невский Фонд», 2014. — 544 с. ; Дурович А.П. Маркетинг в туризме: учеб. пособие. 7-е изд. - Минск: Новое знание, 2007. - 496 с.; Ахинов Г.А., Жильцов Е.Н. Экономика общественного сервиса. Учебное пособие. – М.: ИНФРА – М, 2013 – 345 с.; Зорин И.В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Туризм как вид деятельности. Учебник. М.: Изд-во Финансы и статистика, 2005., - 299 с.

2 Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахманов Д.А., Тошходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. –203 б.; Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. -2006. -367 с.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. - Самарқанд: СамИСИ, 2006. -137 б.; Ташмуратов Т., Агзамов С. Маркетинг международного туризма - Т.: 1998.; Нарчаев А.Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари DSc. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: ТДИУ, 2021 - 246 б. Мухаммедов ва бошқалар Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. – С.: Зарафшон 2007. -299 б.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом. //Сервис, 2013. - №1. - С: 4-9; Н.Наврўз-зода Б., Ибрагимов Н.С., Наврўз-зода З.Б., Наврўз-зода Ш.Б. Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Sadriiddin Salim Vuxoriy” Durdoni nashriyoti, 2017 -156 б.; Пардаев О.М. Менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2019. –248 б.; Абдувоҳидов А.М. Туризмда электрон бизнес. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ. Иқтисодиёт, 2020. -189 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). DSc. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. -265 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). DSc. диссертация автореферати – Самарқанд. 2019. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма: -док. дисс. автореф., 2011.– 38 с.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана: канд. дисс. автореф, 2006. -22 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2016. -254 б.; М.Т. Алиева. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари: икт. фан. док. дисс. автореф. – С.: СамИСИ, 2019. -77 б.; Ибадуллаев Н.Э. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). – икт. фан. ном. дисс. автореф. – Самарқанд, 2010. Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш. – икт. фан. ном. дисс. автореф, 2008. –23 б.; Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмида маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. – икт. фан. ном. дисс. автореф. 2008.–23 б.; Рўзиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истикболлари. – икт. фан. ном. дисс. автореф. 2009. –21 б.

**боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИЗ-20170927504-сон «Сурхондарё вилояти тарихий экотуризм салоҳиятини илмий тадқиқотлар асосида тадқиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

туризмнинг иқтисодий соҳаси сифатида ривожланиш эволюцияси ва босқичларини таснифлаш;

ҳудудларда туризмни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш асосида Сурхондарё вилоятида халқаро тажрибани қўллаш имкониятларини аниқлаш;

вилоятда туризм соҳасининг ривожланиш омиллари ва шарт-шароитлари, туризм инфратузилмасининг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида ички ва халқаро туризмнинг ривожланиш муаммолари, тенденцияларини тадқиқ этиш;

вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришнинг концептуал асослари, сценарийлари ва вариантлари, барқарор ривожлантиришни таъминлаш механизминини ишлаб чиқиш;

вилоятда туризмнинг ривожланиш йўналишларини белгилаш, ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш орқали 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё вилоятида фаолият юритувчи туризм соҳаси корхоналари ва туристик объектлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Сурхондарё вилоятида фаолият юритувчи туристик корхона ва ташкилотларни ривожлантириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик ва моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғолди зоналарида туризм-рекреация салоҳиятидан унумли фойдаланишда кичик туризм зоналарини ташкил этиш ҳамда ички туризмни кенгайтиришда ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёҳат қилишни назарда тутувчи «оилавий саёҳат таътили» тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Сурхондарё вилоятидаги Учқизил, Конбешбулоқ метеорит қўллари ва Сурхон, Оқтепа, Тўпаланг сув омборлари муҳофаза зоналаридаги туризм объектлари имкониятларини юқори, ўрта ва паст салоҳият даражаларига ажратиш ҳамда гастронмик туризмни шакллантирувчи овқатланиш



корхоналари, сувенир дўконлари, табиат музейлари, дам олиш боғлари инфратузилмаларини ўз ичига олган экотуризмни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа, Кампиртепа (Окс Александрияси), Фаёзтепа каби археологик ёдгорликларни археологик ва маданий туризм объектларига айлантиришда ушбу объектлар ёнидаги ихтисослаштирилган овқатланиш шохобчалар, туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этишнинг 50 фоизгача бўлган харажатларини «Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси»нинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаш таклиф этилган;

Бойсун, Шеробод, Сариосиё кичик туризм зоналарида жойлашган қишлоқ ва маҳаллаларда 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари яратган ва сайёҳлар учун камида беш хил хизмат тури кўрсатган тақдирда уларни «Туризм қишлоғи» ва «Туризм маҳалласи» мақоми миллий реестрига киритиш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

туризмнинг ўзига хос эволюцион ривожланиш жараёнларининг ҳар бир босқичида қўлланилган назариялар ва ривожланиш моделлари тизимлаштирилган, тармоқлар ва минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири, мамлакат ЯИМ га, тўлов балансига, маҳаллий аҳолининг даромадлари ошишига, янги иш ўринларининг яратилишига таъсири асосланган;

маҳаллий туризм брендлари сифатида «Темир дарвоза» («Iron Gate») брендини шакллантириш, Бойсун туманида «Геологик парк» ташкил этиш, «Сурхон таомлари» (Бойсун тандир гўшти, Жарқўрғон тандир гўшти, Шеробод сомсаси, Денов сомсаси) брендларини тарғиб қилиш учун «гастрономик кўчалар»ни ташкил этиш таклиф этилган;

Сурхон, Тўпаланг, Оқтепа, Дегрез сув омборлари, Учқизил, Конбешбулоқ метеорит қўллари атрофи муҳофаза зоналарида туризм объектларини барпо этиш орқали экотуризмни ривожлантириш таклифи янги туристик маршрутлар ва 2020-2021 йилларда Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилишида фойдаланилган;

вилоятда ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш орқали 2030 йилгача бўлган давр учун ялпи ҳудудий маҳсулотда туризм хизматларининг улуши прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг мутасадди

вазирликлар ва ташкилотлар томонидан маъқулланганлиги тадқиқотнинг ишончлилик даражасини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур тадқиқот ишида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифлардан мамлакатимиз минтақаларида туризмни ривожлантиришга мўлжалланган Ҳукуматнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги ва вилоятлар ҳокимликлари амалий фаолиятларида, олий ўқув юртлирида «Туризм иқтисодиёти», «Туризм инфратузилмаси» ва «Минтақавий туризм» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича услубий ва амалий таклифлар амалиётга жорий қилинган, жумладан:

Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғолди зоналарида туризм-рекреация салоҳиятидан унумли фойдаланишда кичик туризм зоналарини ташкил этиш ҳамда ички туризмни кенгайтиришда ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёҳат қилишни назарда тутувчи «оилавий саёҳат таътили» тизимини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 324-сон «Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 6 январдаги 03-17-02/45-сон маълумотномаси). Натижада, Бойсун туманидаги Бойсун кичик туризм зонаси, Сариосиё ва Узун туманларидаги Сариосиё кичик туризм зонаси, Шеробод туманидаги Шеробод кичик туризм зонаси ҳудудида туризм инфратузилма объектлари барпо этилиши, “оилавий саёҳат таътили” тизими жорий этилиши натижасида 2021 йилда вилоятда е-меҳмон дастури орқали қайд қилинган ички туризм оқими 854 минг (2019 йилга нисбатан 1,7 баробар кўп) нафаргача ошган.

Сурхондарё вилоятидаги Учқизил, Конбешбулоқ метеорит кўллари ва Сурхон, Оқтепа, Тўпаланг сув омборлари муҳофаза зоналаридаги туризм объектлари имкониятларини юқори, ўрта ва паст салоҳият даражаларига ажратиш ҳамда гастрономик туризмни шакллантирувчи овқатланиш корхоналари, сувенир дўконлари, табиат музейлари, дам олиш боғлари каби инфратузилмаларни ўз ичига олган экотуризмни ривожлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 978-сон «Экотуризмни ривожлантириш ва сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида ер участкалари ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 6 январдаги 03-17-02/45-сон маълумотномаси). Натижада, Қумқўрғон туманидаги “Жанубий Сурхон” сув омбори муҳофаза ҳудудида 0,5 гектар, Сариосиё туманидаги “Тўпаланг” сув омбори муҳофаза ҳудудида 1 гектар,

Термиз туманидаги Учқизил кўли муҳофаза ҳудудида 1 гектар ер майдони ажратилди. Учқизил кўли бўйида 17 млрд сўм инвестиция ҳисобидан “OXUS” дам олиш маскани, умумий овқатланиш ва савдо нуқталари, гўзаллик салони, бассейн, пляж, болалар майдончаси, минифутбол майдони, теннис корти каби инфратузилма объектлари ишга туширилди ва экотуризм хизматлари йўлга қўйилди.

Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа, Кампиртепа (Окс Александрияси), Фаёзтепа каби археологик ёдгорликларни археологик ва маданий туризм объектларига айлантиришда ушбу объектлар ёнидаги ихтисослаштирилган овқатланиш шохобчалари, туристик қўнғилочар муассасаларни ташкил этишнинг 50 фоизгача бўлган харажатларини «Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси»нинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 майдаги 332-сон «Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 6 январдаги 03-17-02/45-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссия томонидан Термиз туманидаги “Эски Термиз” ҳудудида жойлашган буддизм объектларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатиغا киритиш бўйича ҳужжатлар тайёрланиб, “Қадимги Термиз” (Термиз шахрининг тарихий қисмига саёҳат), “Цивилизация бешиги” (Термиз-Бойсун зиёратгоҳлари туризм маршрути), “Будда роҳиблари изидан” (Термиз-Шўрчи-Денов туризм маршрути), “Александр Македонский изидан” туристик маршрутлари ишлаб чиқилди. Ушбу маршрутлар бўйлаб ихтисослаштирилган овқатланиш шохобчаларини ўз ичига олган “Гастрономик кўча”, 50 тадан ортиқ “Coffeeshop”лар ишга туширилди.

Бойсун, Шеробод, Сариосиё кичик туризм зоналарида жойлашган қишлоқ ва маҳаллаларда 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари яратган ва сайёҳлар учун камида беш хил хизмат тури кўрсатган тақдирда уларни «Туризм қишлоғи» ва «Туризм маҳалласи» мақоми миллий реестрига киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 майдаги 332-сон «Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 6 январдаги 03-17-02/45-сон маълумотномаси). Натижада, Сариосиё туманида “Сангардак”, Шеробод туманида “Чорбоғ”, Boyсун туманида “Омонхона” ва “Сайроб”, Олтинсой туманидаги “Хўжаипок” туризм қишлоғи ва маҳаллаларини 2022-2026 йилларда миллий реестрга киритиш чора-тадбирлар дастури бўйича Boyсун кичик туризм зонаси ҳудудида 341 ўринли 39 та, Сариосиё кичик туризм зонаси ҳудудида 215 ўринли 26 та, Шеробод кичик туризм зонаси ҳудудида 55 ўринли 6 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Якка муаллифликда 1 та монография чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 132 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Туризм соҳасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари, туризмнинг иқтисодий тармоғи сифатида эволюцияси, ҳудудларда туризмни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси атрофилича ўрганилган.

Тадқиқотчи олимлар туризмнинг кўпқиррали фаолият соҳаси эканлигини эътироф этган ҳолда, унинг баъзи жиҳатларини асосий хусусият сифатида баҳолаб берган таърифларини қуйидаги гуруҳларга: яшаш жойини тарк этган ҳолда саёҳат қилиши, дам олиши билан боғлиқ муносабатлар ва ходисалар йиғиндиси сифатида; иқтисодий фаолиятларни акс эттирувчи муносабатлар жараёни сифатида; туризм иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларидан бири сифатида қараладиган таърифларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Туризмга берилган кўплаб таърифлардан келиб чиқиб, «**Туризм ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатувчи турли тармоқ ва соҳаларнинг маҳсулот ва хизматлар жамламасини тақдим этилишига кўмаклашувчи ва ташкиллаштирувчи иқтисодиётнинг алоҳида соҳасидир**»<sup>1</sup> - деган муаллифлик таърифи берилди.

Илмий изланишлар асосида туризм иқтисодиёт тармоғи сифатида эволюцион ривожланишини босқичларга ажратиш, ушбу босқичларда туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, қўлланилган моделлар ва назарияларни таснифлаш амалга оширилди.

Туризм иқтисодиётнинг алоҳида соҳаси сифатида тадқиқ этила бошлаган даврларда иқтисодий ривожланиш босқичлари ва мамлакатларнинг иқтисодиёти ривожланиш хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик ўрганилиб, туризмнинг ҳозирги кунгача ривожланиш жараёнларини, эволюциясини яхшироқ тушуниш учун ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Биринчи босқич 1860 йилдан 1980 йилларгача бўлган даврда фордизм модели асосида туризм соҳаси ривожланган бўлиб, бу даврда айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётида туб бурилишлар рўй берган, кўпгина мустамлакалар мустақилликка эришган давр бўлиб, барча мамлакатлар асосий эътиборни иқтисодиётни

---

<sup>1</sup> Тадқиқотчининг “туризм” тушунчасига берган таърифи

модернизациялашга, туризмни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳаракат қилишган.

Иккинчи босқич постфордизм модели асосида ривожланиш 1990 йиллардан ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичга келиб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида юқори ўсиш суръатларини таъминлайдиган анъанавий ресурслар чекланганлиги, ундан аёвсиз фойдаланиш натижасида иқлим ўзгаришлари, озон қатлами емирилиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, ичимлик суви танқислиги, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши, ернинг шўрланиши, фойдали қазилмаларнинг аёвсиз ишлатилиши каби глобал экологик муаммолар вужудга келишига олиб келди<sup>1</sup>.

Бу эса сифат жиҳатдан янги босқичга ўтишга, янги ресурс турини топишга, жаҳон ҳамжамиятини барқарор ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқишга мажбур қилди.

Тадқиқотимиз давомида туризм соҳасини барқарор ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш бўйича етакчи мамлакатлар билан бир қаторда Туркия, Миср, Хитой ҳамда Россия Федерацияси, Қозоғистон эркин туристик ҳудудлари, туристик кластерлар ташкил этиш тажрибалари ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

Эркин туристик ҳудудларнинг бир кўриниши сифатида кичик туризм зоналарини ташкил этиш бир қатор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни жумладан, рақобат муҳитини шакллантириш, туризм соҳасига маҳаллий ва халқаро инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилмани такомиллаштириш, бюджет тушумлари ошириш, янги иш ўринлари яратиш, туризм билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқ ва соҳалар барқарор ривожланишини таъминлаш каби масалаларга ечим топишда ёрдам беради деган хулосага келинди.

1-жадвал

Туризм соҳасини қўллаб қувватлашнинг жаҳон тажрибаси<sup>2</sup>

Қўллаб-қувватлаш тури	Греция	Туркия	Австралия	Ўзбекистон	Венгрия	БАА
Капитал харажатларни субсидиялаш	+	+	+	+	+	+
Божхона имтиёзлари	+	+	+	+	+	+
Давлат томонидан ер ажратиш	+	+	-	+	-	+
Солиқ имтиёзлари	+	+	+	+	+	+
Ўқитиш учун субсидиялар	+	+	+	+	+	-
Транспорт учун субсидиялар	+	+	+	+	+	+
Газ, сув, электр токи учун чегирмалар	+	-	-	-	-	-
Хориждан ишчи ёллашга руҳсат бериш	+	-	-	-	-	+

<sup>1</sup> Экология. Человек - экономика - биота - среда : учебник для студентов вузов / Т. А. Акимова, В. В. Хаскин. - 3-е изд., перераб. и доп. - М. : ЮНИТИ, 2007. – С.49.

<sup>2</sup> Хашимов П.З., Ким Т.В. Туризмни ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси. // // Иқтисод ва молия журнали. Тошкент., 2014. № 6, -Б. 43-47. маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

Диссертациянинг «Сурхондарё вилоятида туризм соҳаси ривожланишининг замонавий ҳолати» деб номланган иккинчи бобида вилоятда туризм соҳаси ривожланиши омиллари ва шарт-шароитлари, туризм инфратузилмаси ривожланиш ҳолати, ички ва халқаро туризмнинг ривожланиш муаммолари ва тенденциялари тадқиқ қилинган.

Сурхондарё вилояти туризм соҳасини ривожлантириш салоҳияти бўйича мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан ўзига хослиги билан ажралиб турадиган куйидаги бир қатор омиллар ва шарт-шароитлар мавжуд: ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси; табиий, тарихий-маданий ресурслари хилма-хиллиги ва ўзига хослиги; географик ва логистик жойлашуви қулайлиги ва бошқалар.

Вилоятнинг табиий туристик ресурслари ҳам ранг баранг бўлиб, куйидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради: тоғ ва тоғолди минтақасининг ранг баранглиги, рекреация мақсадида фойдаланиш имконияти юқорилиги; дарёлар, кўллар ва сув омборлар, минерал булоқлар каби сув ресурсларига бойлиги; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар дунёдаги ноёб флора ва фауна сақланиб қолган 200 та ҳудуддан бири сифатида эътироф этилганлиги<sup>1</sup>.

Сурхондарё вилояти тарихий-маданий ресурслари, қадимий тарихи ўзига хослиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб турадиган куйидаги хусусиятлар мавжуд: Тешиктош, Мачай ғорларида илк ибтидоий одамлар яшаган манзилгоҳлар (милоддан аввалги 100-60 минг йиллар) мавжудлиги; Зараутсойдаги (эрамиздан аввалги 20-10 минг йил илгари) қоятошларда тасвирланган 200 дан ортиқ қадимги аждодларимизнинг яшаш тарзи, ов жараёнлари тасвирланган расмлар; илк деҳқончилик марказлари, дастлабки давлатчилик бирлашмалари, Жарқўтон археологик ёдгорлигида (м.а. XVIII-XI асрлар) топилган шаҳар, қабила, уруғ оқсоқолларига тааллуқли муҳр ва тамғалар мамлакатимиздаги илк давлатчиликка асос солинган ҳудуд ҳисобланиши; буддавийлик, зардуштийлик, христианлик, монавийлик каби турли динларнинг шаклланишига ва тараққий этишига улкан ҳисса қўшган ҳудуд эканлиги<sup>2</sup>; Кушон империясининг илк пойтахти Далварзинтепа, асосий иқтисодий ва диний марказлари бўлган Кампиртепа қалъаси (Окс Александрияси), Фаёзтепа, Қоратепа каби ёдгорликлар жойлашган ҳудуд эканлиги<sup>3</sup>; қуръон ва ҳадис илмлари, диний ва дунёвий илмларни ўрганиш бўйича ислом оламида ўз ўрнига эга бўлган ҳадисшунослар, ҳаким ва уламолар бўлган Термизийлар яшаган ҳудуд эканлиги<sup>4</sup>; бетакрор жаҳон номоддий меъроси объекти ҳисобланган Бойсун фольклори, бахшичилик мактаби шаклланган ҳудуд эканлиги.

<sup>1</sup> Тожибоев К.Ш., Бешко Н.Ю. Ўзбекистонда қанча ва қандай ўсимликлар ўсишини билиш нима учун зарур? <http://sgp.uz/uz/news/1030>

<sup>2</sup> Хашимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. – Алматы: САГА, 2001. – С. 8–22.

<sup>3</sup> Хайруллаев М. Буюк ипак йўлидаги Бойсун манзилгоҳлари. // “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт: трансформацион жараёнлар” номли республика илмий анжумани илмий мақолалар тўплами. Термиз: “Полиграф-Нашр”, 2013. – Б. 68.

<sup>4</sup> Чориев З., Аннаев Т., Муртазоев Б., Аннаев Ж. Ал Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б.150.

Вилоятнинг географик жойлашуви, учта давлат билан чегарадошлиги, Буюк ипак йўли чоррахасида жойлашганлиги, ислом ва буддавийлик динига эътиқод қилувчи мамлакатлар аҳолисини жалб қилувчи археологик ва маданий мерос объектлари мавжудлиги Марказий ва Жанубий Осиёда халқимизнинг тарихий ва маданий меросини оммалаштириш, «Зиёрат туризми»ни ривожлантириш, янги сайёҳлик маҳсулотлари ва қулай йўналишларини ишга туширишга имкон беради.

Асосий туризм хизматлари таклифини шакллантирувчи корхоналар бу туристик корхоналар ва ташкилотлар бўлиб, сўнгги йилларда қатор ҳукумат қарорлари<sup>1</sup> қабул қилиниши натижасида улар сони ортиб бора бошлади. 2010 йилда 1 та, 2015 йилда 4 та, 2018 йилга келиб 16 та туризм ташкилотлари фаолият юритган бўлса, 2021 йил октябр ойи ҳолатига вилоятда 40 та туристик фирма ва ташкилотлар рўйхатга олинган (1-расм).

Туризм фаолиятини амалга оширишни мақсад қилган ва лицензияга эга бўлган ушбу туристик фирма ва ташкилотларнинг асосий фаолият билан яъни турмаҳсулотни шакллантириб уни сотиш билан шуғулланадиганлари сони жуда камчиликни ташкил этади. 2019 йилда лицензияга эга бўлган туристик фирмалар сони 36 та бўлсада, уларнинг 3 тасигина сотилган турпакетлар сони ва ундан олинган даромад ҳақида сатистика органларига ҳисобот топширган.



**1-расм. 2010-2021 йилларда Сурхондарё вилоятидаги туристик фирма ва ташкилотлар фаолият кўрсаткичлари<sup>2</sup>**

Вилоятнинг туризм инфратузилмаси ривожланиш ҳолатига қарайдиган бўлсак, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг сони

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони//lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги «Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 324-сонли Қарори//lex.uz

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Сурхондарё вилояти Туризм ва маданий мерос бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган



2019 йилда 2018 йилга нисбатан 2,5 баробарга яқин кўпайган бўлиб, бу асосан оилавий меҳмон уйлари сони ошиши эвазига рўй берди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Сурхондарё вилоятида 2010-2021 йилларда жамоавий жойлаштириш воситалари фаолияти динамикаси<sup>1</sup>**

Жойлаштириш воситалари	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
		2010	2015	2019	2020	2021
1.Меҳмонхона ва ш.ў.ж.в.	сони	13	20	99	138	187
	ўрин	812	1005	2271	2708	3521
Тунашлар (1000)	киши/кун	109,1	146,7	63,3	42,2	67,5
Юкланганлик коэффициенти	фоиз	36,8	40,0	7,6	4,3	5,3
2.Ихтисослашган ж.в.	сони	15	22	17	20	21
	ўрин	2196	3470	2593	2974	3011
Тунашлар (1000)	киши/кун	86,9	181,8	224,2	45,5	23,4
Юкланганлик коэффициенти	фоиз	10,8	14,4	23,7	4,2	2,1
<b>Барча жамоавий жойлаштириш воситалари</b>	<b>сони</b>	<b>28</b>	<b>42</b>	<b>116</b>	<b>158</b>	<b>208</b>
	<b>ўрин</b>	<b>3008</b>	<b>4475</b>	<b>4864</b>	<b>5682</b>	<b>6532</b>
<b>Тунашлар (1000)</b>	<b>киши/кун</b>	<b>196,0</b>	<b>328,5</b>	<b>287,6</b>	<b>87,7</b>	<b>90,9</b>
<b>Юкланганлик коэффициенти</b>	<b>фоиз</b>	<b>23,8</b>	<b>27,2</b>	<b>15,7</b>	<b>4,2</b>	<b>3,7</b>

2020 йилга келиб вилоятда хостеллар ҳам пайдо бўла бошлади ва 2020 - 2021 йилларда 9 та хостеллар ишга туширилди. Жамоавий жойлаштириш воситалари умумий сони ортиб бориш тенденциясига эга бўлсада, ихтисослашган жойлаштириш воситалари сони 2012 йилда 23 тани ташкил этган ҳолда, 2019 йилда улар сони 17 тагача камайган ва 2021 якунлари бўйича уларнинг сони 21 тани ташкил этган.

Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган туризм хизматлари кўрсатувчи корхоналар: туроператорлар, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жамоавий жойлаштириш воситалари, ихтисослашган жойлаштириш воситалари хизматларининг умумий ҳажми ялпи ҳудудий маҳсулотда ортиб бориш тенденциясига эга (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Сурхондарё вилоятида 2010-2021 йилларда кўрсатилган хизматлар ҳажми ва унда туризмнинг улуши<sup>2</sup>**

Йиллар	Хизматлар ҳажми (млрд. сўм)	Туризм хизматлари ҳажми (млрд. сўм)	Жами хизматларда туризмнинг улуши (фоизда)	Республикада кўрсатилган хизматларда вилоятнинг улуши (фоизда)
2010	796,3	1,9	0,2	2,9
2015	3067,8	9,5	0,3	3,9
2019	6981,9	34,9	0,5	3,6
2020	8013,9	25,4	0,3	3,6
2021	10386,0	49,09	0,5	3,7

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Сурхондарё вилояти Туризм ва маданий мерос бoшқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

<sup>2</sup> <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/services-2> © 2010-2021 O`zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo`mitasi va Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

2020 йилга келиб пандемия сабабли хизмат кўрсатиш ҳажми ўсиш сурати 2019 йилга нисбатан 27,2 фоизга камайган бўлсада, 2021 йилга келиб пандемиягача бўлган даврдан ошганлигини, 2010 йилга нисбатан туризм хизматлари ҳажми 26 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Аммо Сурхондарё вилоятида табиий, тарихий-маданий ресурс салоҳиятидан етарлича самарали фойдаланилмаётганлиги унинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида бир фоизга етмаганлигида кўриниб турибди.

Айтиш мумкинки, вилоятнинг мавжуд туризм салоҳиятидан унумли фойдаланиш орқали ички ва халқаро туризмни жадал ривожлантириш, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган туризм соҳасини жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, кенг кўламда инвестицияларни жалб этиш бўйича чора тадбирлар амалга оширилиши асносида Сурхондарё вилояти хизматлари таркибида ва ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида туризм хизматлари улушини кескин ошириш имкони мавжуд<sup>1</sup>.

Диссертациянинг «Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари» деб номланган учинчи бобида вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришнинг концептуал асослари, ривожлантириш сценарийлари ва вариантлари, барқарор ривожланишини таъминлаш механизмлари таҳлил қилинган, шунингдек, вилоят туманларининг табиий ва тарихий-маданий ресурсларини баҳолаш амалга оширилган.

Сўнгги йилларда вилоятда ички ва кириш туризмни ривожлантириш, стратегик тармоқ сифатида бой туристик салоҳиятни тўлақонли баҳолаш, барқарор ривожланишнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий дастакларини ўрганиш ва амалиётда самарали фойдаланишга асосий эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотларимиз жараёнида тоғ ва тоғолди зоналари жумладан, Кўҳитанг, Ҳисор, Боботоғ, Бойсунтоғ тоғи ва тоғолди зоналари, ўрмон хўжаликлари ҳудуди, қўллар ва сув омборларининг туризм турларини ривожлантириш учун жозибadorлиги, туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш имкониятлари ўрганиб чиқилди<sup>2</sup>.

Шу мақсадда туризмни барқарор ривожлантириш имкониятлари сценарийлари ишлаб чиқилди (4-жадвал).

Ривожлантириш имкониятлари сценарийсига кўра туманлар куйидаги уч гуруҳга ажратилди: «юқори салоҳиятли» ҳудудлар; «ўрта салоҳиятли» ҳудудлар; «ўртачадан паст салоҳиятли» ҳудудлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

<sup>2</sup> Тураев З.Н. Отчёт консультанта по социально-экономическим вопросам по определению буферной зоны Сурханского заповедника проекта «Укрепление устойчивости национальной системы охраняемых природных территорий путем фокусирования на заповедниках». Термез. 2009.

#### 4-жадвал

### Худудларда туризмни ривожлантириш имкониятлари сценарийларини тузиш матрицаси<sup>1</sup>

Худуднинг туризмни барқарор ривожлантириш комплекс салоҳияти			
Туризмни барқарор ривожлантириш бўйича худудлар рейтинги	юқори салоҳиятли худуд	ўрта салоҳиятли худуд	ўртачадан паст салоҳиятга эга худуд
юқори даража	1	1	2
ўртача даража	1	2	3
ўртачадан паст даража	2	3	3

Худудларнинг табиий-рекреация салоҳиятини баҳолаш туризм салоҳияти спектри (ТСС) усули ёрдамида амалга оширилди (5-жадвал).

Худудларнинг туристик салоҳияти «1» баллдан «5» баллгача интервалда баҳоланиб, «юқори салоҳиятли» худудлар 4,5 баллдан 5 баллагача; «ўрта салоҳиятли» худудлар 3,75 баллдан 4,5 баллгача; «ўртачадан паст салоҳиятли» худудлар 1 баллдан 3,75 баллгача оралиқда гуруҳлаш амалга оширилди.

#### 5-жадвал

### Худудларнинг табиий-рекреация салоҳиятини ТСС усули орқали баҳолаш натижалари<sup>2</sup>

Шаҳар ва туманлар	Ресурсларни баҳолаш мезонлари				
	ЎХ	СД	Ж	ФФХХ	Ўртача кўрсаткич
Бойсун	5	5	5	4	4,75
Сариосиё	5	5	5	4	4,75
Узун	5	5	5	4	4,75
Шеробод	5	5	5	5	5
Денов	5	4	4	3	4
Олтинсой	5	4	4	3	4
Термиз	5	4	4	3	4
Жарқўрғон	4	3	3	2	3
Қумқўрғон	4	3	3	3	3,25

<sup>1</sup> Киякбаева Е. Г. Социально-экономические механизмы устойчивого развития туризма в регионах России. Дисс.... канд. геогр. наук. - М., 2015. – С. 127. асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>2</sup> Глобал экологик жамғарма (GEF), БМТ Тараққиёт дастури (UNDP) томонидан қўлланилаётган баҳолаш мезонлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шўрчи	4	4	3	2	3,25
Музработ	3	2	3	2	2,5
Ангор	3	1	2	1	1,75
Қизирик	3	1	2	1	1,75

Изоҳ. ЎХ-ўзига хослиги; СД-сақланиш даражаси; Ж-жозибадорлиги; ФФХХ-флора ва фаунанинг хилма-хиллиги.

Юқори салоҳиятли ва ўрта салоҳиятли ҳудудларда табиий-рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ривожлантириш сценарийларига кўра қуйидаги 6 та кичик туризм зоналарини ташкил этиш таклиф этилди:

биринчи сценарий бўйича юқори салоҳиятли ҳудудларда - Бойсун кичик туризм зонаси; Сариосиё кичик туризм зонаси; Шеробод кичик туризм зонаси.

иккинчи сценарий бўйича ўртача салоҳиятли ҳудудларда - Термиз кичик туризм зонаси; Олтинсой кичик туризм зонаси; Денов кичик туризм зонаси.

Вилоят ҳудудидаги сув омборлари ва кўллар, табиат боғлари муҳофаза зоналарига маҳаллий аҳоли қисқа муддатли дам олиш, чўмилиш, балиқ овлаш мақсадида кўпдан бери ташриф буюришади. Учқизил, Конбешбулоқ метеорит кўллари ва Сурхон, Оқтепа, Тўпаланг сув омборларининг муҳофаза зоналарида пляжлар, дам олиш, соғломлаштириш муассасалари қуриш, сув спорти турлари, балиқ ови каби туризм турларини ривожлантириш учун ер участкалари ажратиш орқали экотуризмни ривожлантириш таклиф этилди. Вилоятда рўйхатга олинган 561 та маданий мерос объектларининг 95 таси туризм объектлари бўлиб, шундан, 35 таси туристлар энг кўп ташриф буюрадиган объектлар ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан 2030 йилгача бўлган муддатда вилоятдаги жаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритиш режалаштирилаётган миллий маданиятимиз, тарихимиз дурдоналари ҳисобланган объектлардан туризм соҳасини ривожлантиришда самарали фойдаланиш лозим. Вилоятдаги 13 та маданий мерос объектлари ҳам туризм салоҳиятини баҳолаш амалга оширилди (6-жадвал).

«Юқори салоҳиятли» объектлар 4,5 баллдан 5 баллгача; «ўрта салоҳиятли» объектлар – 3,5 баллдан 4,5 баллгача; «ўртачадан паст салоҳиятли» объектлар 1 баллдан 3,5 баллгача оралигида баҳоланди.

Баҳолаш натижаларига кўра, Шеробод туманида жойлашган Абу Исо Ат Термизий мақбараси, Термиз туманида жойлашган Ҳаким Термизий мақбараси ҳамда Султон Саодат мажмуаси юқори салоҳиятли объектлар гуруҳига, қолган объектлар ўрта салоҳиятли объектлар гуруҳига киритилган.

Ушбу объектлар орасида Шўрчи туманидаги «Далварзинтепа» ёдгорлиги, Музработ туманидаги «Кампиртепа» (Окс Александрияси) археология ёдгорлиги, Термиз туманидаги «Қоратепа» ва «Фаёзтепа» каби буддавийлик ибодатхоналари Кушон империяси даврида илк пойтахт, асосий диний ва савдо марказлари сифатида Буюк ипак йўли чорраҳасидаги жаҳон

цивилизацияси тарихида ўз ўрнига эга бўлган маданий мерос объектлари бўлиб, уларни археологик ва маданий туризм объекти сифатида замонавий туризм талабларидан келиб чиққан ҳолда реконструкция қилиш, музей кўриқхонага айлантириш ёки улар ёнида Кушон империяси тарихи ҳақида маълумот берувчи музейлар ташкил қилиш, маҳаллий ва буддавийлик динига эътиқод қилувчи хорижлик туристлар учун жозибадор туристик намоёиш объектига айлантириш таклиф этилди.

6-жадвал

**Туристлик маршрутларга киритилган маданий мерос объектларининг туризм салоҳиятини ТСС усули орқали баҳолаш натижалари<sup>1</sup>**

Маданий мерос объектлари	Ресурсларни баҳолаш мезонлари					
	Б	ТООТ	КТА	ТЖ	ҚИХ	Ўртача кўрсаткич
Қора тепа буддизм иншооти (Термиз тумани, I-V асрлар)	5	4	5	3	2	3,8
